

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

СЕЙТНАЗАРОВА ТИЛЛАХАН ЕЛМУРАТОВНА

**ЎЗГАНИНГ УЗОҚ ГЕОГРАФИК ДУРАГАЙЛАРИНИ СЕЛЕКЦИОН-
ГЕНЕТИК БАҲОЛАШ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Сейтназарова Тиллахан Елмуратовна

Вўзанинг узок географик дурагайларини селекцион-генетик баҳолаш
асосида бошланғич ашё яратиш.....3

Сейтназарова Тиллахан Елмуратовна

Создание исходного материала на основе селекционно-генетической
оценки географически отдаленных гибридов хлопчатника.....23

Seytnazarova Tillakhan Elmuratovna

Creation of starting material based on a selection-genetic assessment
of geographically remote cotton hybrids.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....46

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

СЕЙТНАЗАРОВА ТИЛЛАХАН ЕЛМУРАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАММАТОНИНГ УЗОҚ ГЕОГРАФИК ДУРАГАЙЛАРИНИ СЕЛЕКЦИОН-
ГЕНЕТИК БАҲОЛАШ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx202 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Эгамбердиева Саида Абдисаматовна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Бобоев Сайфулла Ғафурович
биология фанлари доктори, доцент

Қаххаров Иззатулло Тилавович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

**Ўсимликлар генетик ресурслари
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел: (+99871) 150-62-78; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru; Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин. (№ _____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти кутубхонаси. Тел: (+99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А.Э.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., к.и.х.

А.Б.Амантурдиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйича пахта етиштириш 2019-2020 йилларда 26,2 млн. тоннани ташкил этиши, яъни олдинги мавсумдан 2% га юқори бўлиши кутилмоқда¹. Кейинги йилларда турли зараркунанда ва касалликлар қўзғатувчиларининг нисбатан агрессив, янги популяцияларининг пайдо бўлиши сабабли ўсимликларда чидамлиликнинг генетик тўсиғини бузилиши кузатилиб, бу ғўза ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги генетик манбалар асосида вертициллёз вилтга бардошли, комплекс қимматли-хўжалик белгиларига эга ғўза навларини яратиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ушбу муаммони ҳал қилиш имконини беради.

Дунёнинг пахта етиштирувчи давлатлари олимлари томонидан узоқ географик дурагайлаш усули кенг қўлланилмоқда. Мазкур усул селекция амалиётида энг самарали ва ишончли ҳисобланади, чунки дурагай авлодларни унумдор насл ва белгиларнинг кенг ўзгарувчанлик диапазони билан таъминлайди. Тола ҳосилдорлиги ва бошқа қимматли-хўжалик белгилари юқори бўлган ғўза навларини яратишда ушбу усул етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзгарувчанлик ва танловни селекцион-генетик баҳолашнинг янги усуллари эса комплекс белгиларга эга, ҳосилдорлиги юқори навлар яратишда асос бўлиб хизмат қилади. Ғўза селекциясида битта навда юқори тола чиқими ва сифатини мужассамлаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу мазкур белгилар ўртасидаги кучли салбий алоқалар билан боғлиқдир. Йиллар давомида олиб борилган селекция ишлари жараёнларида кўпчилик салбий боғлиқликлар бартараф қилинган. Лекин, ишлаб чиқаришда юқори тола чиқимига эга, тола сифати III-IV саноат типига мансуб ашёлар мавжуд эмас. Бундан келиб чиқиб, кейинги тадқиқотлардаги селекция дастурларига юқори тола чиқими ва сифатига эга, янги генетик манбаларини жалб этиш зарурияти юзага келади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» қишлоқ хўжалигининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹<http://www.ICAC.GlobalCottonProductiontoIncreasein2019/20>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза селекциясида узоқ географик дурагайлаш усули асосида қимматли-хўжалик белгиларига эга бўлган тизма ва навларни яратиш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларида жумладан, Department of Plant Sciences, University of California, Department of Agriculture and Soil Science of North Carolina State University (АҚШ), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Cotton Research Institute (Миср), Тожикистон илмий академиясининг Деҳқончилик институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида изланишлар олиб борилмоқда.

Узоқ географик дурагайлаш усулини ривожлантиришга маҳаллий олимлардан Л.Г.Арутюнова, А.И.Автономов, Х.Мунасов, П.Ш.Ибрагимов, Ш.Э.Намазов, И.Т.Каххаров, Х.Матиякубов, Э.К.Абдуразаков шунингдек, хорижий олимлардан Ю.И.Дедова, М.М.Неъматов, Ahmed El Hosary, A.M.A.Abdulla, Essam El-Hashash, P.E.Reid, M.M.Ibrahim, S.R.N.Said, Jinfa Zhang ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Улар томонидан турли минтақалар селекциясига мансуб ғўза навлари иштирокида олинган дурагайларда белгиларнинг генетик ўзгарувчанлигини оширишга эришилган, қимматли рекомбинантлар ажратиб олинган ва навлар яратилган. Лекин, тола чиқими юқори 39-40%, тола сифати III-IV саноат типига мансуб навлар ишлаб чиқаришда ҳозирда мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-8-099-2015 «Ғўзанинг географик узоқ ва интрогрессив шаклларида фойдаланиш асосида ҳосилдор, тезпишар, юқори тола чиқими эга, тола сифати IV-типга мансуб навларни яратиш» (2015–2017 йй.) ва МВ-А-ҚХ-2018-205 «Ғўзанинг интрогрессив шакллари асосида олинган дурагай ва тизмаларнинг Ўзбекистондаги ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларда бўлган адаптив потенциалидан фойдаланиш орқали ҳосилдор навлар яратиш» (2018–2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг интрогрессив шакллари ва тола чиқими юқори, географик келиб чиқиши жиҳатдан узоқ бўлган навлари асосида ҳосилдор, тезпишар, юқори тола чиқими ва сифатига эга тизма ва навлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг F₁-F₃ узоқ географик дурагай ўсимликларида асосий қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва шаклланишини ўрганиш;

ғўзанинг F_2 ва F_3 дурагай ўсимликларида қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш;

дурагай ўсимликларининг вертициллёз вилтга чидамлилигини аниқлаш;

ғўзанинг F_2 ва F_3 дурагайларида асосий қимматли-хўжалик белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни аниқлаш;

ғўзанинг F_2 ва F_3 дурагайларида миқдорий белгиларнинг трансгрессиясини таҳлил қилиш;

дурагай популяциясида танлов самарадорлигини баҳолаш;

тажрибалар асосида яратилган қимматли-хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга оила ва тизмаларни ажратиш ҳамда улардан амалий селекция ва илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида интрогрессив шакллар ҳамда ғўза коллекциясидаги юқори тола чиқимига эга тизмаларни келиб чиқиши АҚШ дан бўлган Sls 21726 (011604), “Номсиз” (0224), “Номсиз” (011761) ҳамда келиб чиқиши Австралиядан бўлган G252-2 (07806), Qualla Lot 361 (04841), Qualla Lot 361 (04868) хорижий давлат ғўза навлари ва улар асосида олинган дурагайлар иштирок этган. Тадқиқотларда оталик сифатида қўлланилган хорижий давлат навларининг номларини ўзлаштириш қулай бўлиши учун қатор рақамларидан фойдаланилган. Андоза сифатида Наманган-77 ва С-6524 ғўза навлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг интрогрессив шакллари ва коллекцияда мавжуд бўлган, юқори тола чиқимига эга хорижий давлат навлари иштирокида узоқ географик дурагайлаш усулида олинган F_1 - F_3 дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини, трансгрессия даражаси ва частотасини, асосий қимматли-хўжалик белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқликларини шунингдек, белгилар бўйича танлов самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Фенологик кузатувлар, дала ҳисоботлари ва селекцион-генетик таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) бўйича олиб борилган. Барча илмий-тадқиқот натижалари Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича статистик таҳлил қилинган. Доминантлик даражаси G.M.Veil, R.E.Atkins (1965) ишида келтирилган S.Wright формуласи бўйича ҳисобланган. Ўсимликларнинг вертициллёз вилтга бардошлилиги Б.В.Добровольский (1969) усулида, трансгрессия частотаси ва даражаси Воскресенская ва Шпота усулида, белгиларнинг ирсийланиш кобилияти коэффициенти A.Allard (1966) формуласи бўйича аниқланган. Тола сифати Республика “Сифат” марказида HVI дастгоҳида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор селекция жараёнларида қўлланилган ғўза коллекциясидаги юқори тола чиқимига эга хорижий давлат навлари ва интрогрессив шакллар иштирокида узоқ географик дурагайлаш усули асосида янги рекомбинантлар олинган;

олиб борилган селекцион-генетик таҳлиллар асосида белгиларнинг трансгрессия частотаси ва даражаси юқори бўлган дурагай комбинациялар

ажратиб олинган;

толанинг SCI (толанинг йигирувчанлик индекси) кўрсаткичлари юқори бўлган дурагай комбинациялар аниқланган;

дурагай популяциялардаги танлов самарадорлиги селекцион дифференциали ва танлов интенсивлиги асосида баҳоланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзанинг узоқ географик дурагайларида олиб борилган селекцион-генетик таҳлиллар асосида ўсув даври давомийлиги 103 - 105 кун, маҳсулдорлиги 138,8 - 156,1 г, бир дона кўсақдаги пахта вазни 6,0 - 6,4 г, 1000 дона чигит вазни 111,6 - 119,0 г, тола чиқими 39,1 - 42,8%, толанинг узунлиги 1,20 дюйм бўлган Л-Т х S-6003, Л-578 х S-6596 оилалари ажратиб олинган. Ушбу оилалар селекция жараёнларига бошланғич манъба сифатида тавсия этилган;

ҳосилдорлиги 38-40 ц/га, тола чиқими 38-39%, тезпишар, вертициллёз вилтга бардошли, тола сифати IV-типа мансуб ўрта толали ўзанинг С-6781 нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва ҳар йили ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда математик-статистик услублардан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, илмий нашрларда чоп этилганлиги, хулосалар илмий асосланганлиги ҳамда натижалар таққосланганлиги ва улар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – ўзанинг узоқ географик дурагайлаш усулида олинган айрим F₁-F₄ дурагай популяцияларида асосий қимматли-ҳўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини селекцион-генетик баҳолаш асосида ушбу манбаларнинг селекциядаги самарадорлиги исботланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти – ўзанинг узоқ географик шаклларини интрогрессив шакллар билан чатиштириб, генетик жиҳатдан бойитилган янги рекомбинантлар ажратиб олинган. Уларда генетик ўзгарувчанлик спектрининг кенгайиши ҳисобига (трансгрессия ходисаси) ҳосилдорлик ва қимматли-ҳўжалик белгилари шунингдек, вертициллёз вилтга бардошлилик ота-она шаклларида юқори бўлган. Олиб борилган танловлар натижасида тола чиқими ва сифати юқори бўлган, шунингдек вертициллёз вилтга бардошли, тезпишар бошланғич селекцион ашё яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзанинг узоқ географик дурагайларини селекцион-генетик баҳолаш асосида янги бошланғич ашё яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

узоқ географик дурагайлаш усулидан фойдаланган ҳолда вертициллёз вилтга бардошли, тола чиқими, тезпишарлиги, бир дона кўсақдаги пахта вазни, тола сифати, бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича юқори кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирган ўзанинг бир қатор оила ва тизмалар яратилган ҳамда

амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 сентябрдаги №04/020-2991-сонли маълумотномаси);

ўтказилган кўп мартали мақсадли танловлар ва Т-921 тизмасининг наводорлигини ошириш натижасида С-6781 нави яратилган ва ҳозирда Грунтназоратда синаш ишлари олиб борилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 сентябрдаги №04/020-2991-сонли маълумотномаси). Навнинг рентабеллик даражаси 16-20% ни ташкил этган;

С-6781 навининг уруғлик материаллари ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБ институтининг “Ўза генофонди” ноёб объекти коллекциясига тақдим этилган. Бу ўрта толали ўза намуналари коллекцияси фондини янада бойитиш имконини берган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 13 ноябрдаги №4/1255-2510-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Ўза селекциясида узок географик дурагайлардан фойдаланиш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиётларнинг батафсил таҳлили ёритилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекциясида узок географик дурагайлаш усулидан фойдаланиш самарадорлиги, ўзанинг қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишда қўлланиладиган селекцион-генетик баҳолаш усуллари, ўзанинг асосий қимматли-хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар, дурагай комбинацияларида намоён бўлган трансгрессия частотаси ва даражаси, дурагай ўсимликларда танлов самарадорлигини баҳолаш бўйича маҳаллий ва

хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлиллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити, объектлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жой ва унинг шароити, ота-она шакллари сифатида фойдаланилган ғўза нав ва тизмалари, тадқиқот ўтказиш услуби, тажрибаларда олиб борилган кузатувлар, ҳисоблашлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида ғўзанинг узок географик дурагайларида асосий қимматли-ҳўжалик белгиларининг шаклланиши, F_2 - F_3 дурагай ўсимликларида белгиларнинг ўзгарувчанлиги, дурагай ўсимликларининг вертициллёз вилт билан зарарланиши, ғўзанинг асосий қимматли-ҳўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар, F_2 - F_3 дурагай ўсимликларида белгилар бўйича намоён бўлган трансгрессия даражаси ва частотаси, дурагай популяциясида олиб борилган танлов самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар таҳлил қилинган.

“ F_1 - F_3 дурагай ўсимликларида асосий қимматли-ҳўжалик белгиларининг шаклланиши” деб номланган 3-бобнинг биринчи қисмида F_1 , F_2 , F_3 дурагай комбинацияларида асосий қимматли-ҳўжалик белгилари шаклланишининг таҳлиллари ва ирсийланиш қобилияти коэффицентлари келтирилган.

Ота-она шаклларида L - T тизмаси энг тезпишар бўлиб, ўсув даври давомийлиги 110 кунга тенг бўлган, S -489 тизмаси бўлса нисбатан кечпишар бўлиб, 50% кўсаклар очилиши 118 кунда кузатилган. F_1 дурагай комбинацияларидан 4 тасида кечпишарлик доминант ҳолатда, 2 тасида оралик ҳолат, 4 тасида кечпишарликнинг тўлиқсиз доминантлик ҳолати, 2 тасида тезпишарликнинг тўлиқ доминантлик ҳолати ва қолган 6 тасида тезпишарликнинг тўлиқсиз доминантлик ҳолати аниқланган. F_2 дурагай комбинацияларининг ўсув даври давомийлиги 104 - 112 кун оралиғида бўлиб, ота-она шаклларида нисбатан 6-7 кунга тезпишар бўлган. Мазкур авлодда F_2L - $Ю$ х S -6003 дурагай комбинацияси энг тезпишар бўлиб, ўсув даври давомийлиги 104 кунни ташкил этган. F_3 дурагай комбинацияларининг ўсув даври давомийлиги 103-109 кун оралиғида бўлиб, ушбу кўрсаткич F_2 га нисбатан 1-3 кунга қисқарганлиги кузатилган. Шунингдек, F_3L -578 х S -6593, F_3L - T х S -6593, F_3L - $Ю$ х S -6593, F_3L - T х S -6596, F_3L -578 х S -6596 дурагай комбинациялари тезпишар бўлиб, 50% кўсаклар очилиши 103-104 кунда кузатилган. Ушбу белгининг ирсийланиш коэффицентлари F_2 дурагай комбинацияларида $h^2=0,17$ ва $h^2=0,34$ оралиғида, F_3 да $h^2=0,11$ ва $h^2=0,24$ оралиғида бўлган. Бу ташқи омиллар таъсирида бўлган фенотипик ўзгарувчанлик генетик омиллар таъсиридаги ўзгарувчанлик улушидан устунлигини англатади. Ирсийланиш қобилияти коэффицентлари кўйидаги F_3L - $Ю$ х S -6003, F_3L - T х S -2515, F_3L - T х S -6596 дурагай комбинацияларда нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган ($h^2=0,24$ дан $h^2=0,25$ гача). Маҳсулдорлик белгиси кўрсаткичлари (15.09 ҳолатида) ота-она шаклларида энг юқори кўрсаткич 164 г. га тенг бўлиб, бу натижа S -6596

навида кузатилди. F_1 дурагай комбинацияларининг 18 тасидан 3 тасида F_1 Л-578 х S-6082 $h_p=2,6$; F_1 Л-Ю х S-6596 $h_p=2,3$; F_1 Л-578 х S-6003 ($h_p=1,1$) ушбу белгининг ижобий гетерозис, 2 тасида F_1 Л-Т х S-6003 ($h_p=0,4$), F_1 Л-578 х S-6593 ($h_p=0,3$) оралиқ ҳолатда ирсийланиш, қолганларида салбий гетерозис ҳолатлари аниқланган. F_2 дурагай комбинацияларининг маҳсулдорлиги 61,5-114,4 г оралиғида бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг F_1 га нисбатан анча пасайганлиги кузатилган. F_3 дурагай комбинацияларининг маҳсулдорлик белгиси 91,5-172,8 г. оралиғида бўлиб, ўрганилган 18 та дурагай комбинациядан 8 тасида белгининг кўрсаткичлари 160,0 г дан юқори бўлган. F_3 да маҳсулдорлик белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич 172,8 г га тенг бўлиб, F_3 Л-Т х S-489 дурагай комбинациясида кузатилган. Буни чатиштиришда қатнашган ота-она шаклларининг маҳсулдорлиги юқори (Л-Т 178,2 г ва S-489 162,2 г) бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу дурагай комбинацияда ўсув даври давомийлиги 105 кунга, бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ўртача 21,5 донага тенг бўлган. Бу дурагай комбинацияда тезпишарлик, бир дона кўсақдаги пахта вазни ва бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони белгиларининг юқори кўрсаткичлари билан мужассамлашганлиги аниқланган.

Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони оталик сифатида олинган S-6596, S-6593 ва S-489 хорижий давлат навларида юқори бўлиб, кўрсаткичлар мос равишда 21,4; 18,2 ва 15,6 донага тенг бўлган. Мазкур белги бўйича F_1 дурагай комбинацияларидан 9 тасида ижобий гетерозис, 1 тасида салбий гетерозис, 5 тасида оралиқ ҳолатда ирсийланиши аниқланган. F_2 да бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича юқори кўрсаткич 16,7 донага тенг бўлиб, F_2 Л-Т х S-6003 дурагай комбинациясида кузатилган яъни, бунда гетерозиснинг қолдиқ самараси намоён бўлган. F_3 да энг юқори кўрсаткич 36,6 донага тенг бўлиб, F_3 Л-578 х S-6082 дурагай комбинациясида кузатилган. 18 та F_3 дурагай комбинацияларидан 7 тасида бир туп ўсимликдаги ўртача кўсақлар сони 20 донадан юқори бўлган. Мазкур белгининг ирсийланиш қобиляти коэффициенти F_2 да $h^2=0,21 - 0,35$, F_3 да $h^2=0,05 - 0,18$ оралиғида бўлган. Бу популяциядаги ўсимликларда кўсақлар сони белгисининг фенотипик ўзгарувчанлигида генетик омилнинг улуши 35% дан ошмаслигини ва мазкур белгининг экспрессия даражаси асосан ташқи муҳит таъсирига боғлиқлигидан далолат беради.

Бир дона кўсақдаги пахта вазни белгисининг кўрсаткичи ота-она шаклларида 6,1-7,1 г оралиғида бўлган. Ушбу белгининг биринчи авлод дурагай комбинацияларидан 14 тасида салбий гетерозис, 2 тасида ижобий гетерозис ва 2 тасида оралиқ ҳолатда ирсийланиши аниқланган. F_2 да 18 дурагай комбинациядан 11 тасида белгининг кўрсаткичи 6,0 - 6,6 г оралиғида, қолган дурагай комбинацияларда 5,0 - 5,9 г оралиғида бўлган. F_3 да мазкур белги бўйича юқори кўрсаткич 6,4 г га тенг бўлиб, F_3 Л-Т х S-6003, F_3 Л-578 х S-2515 дурагай комбинацияларида аниқланган. Аксарият комбинацияларда ижобий трансгрессия намоён бўлиб, 7-8 г га тенг бўлган шакллар кузатилган. Белгининг ирсийланиш қобиляти коэффициентлари F_2 да $h^2=0,31 - 0,57$ оралиғида, F_3 да $h^2=0,21 - 0,44$ оралиғида бўлган. Бир дона кўсақдаги пахта вазни белгисининг ирсийланиш қобиляти коэффициентлари тезпишарлик ва бир туп ўсимликдаги

кўсақлар сони белгиси кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлган. Ирсийланиш коэффициентлари кўсақ вазни бўйича дурагай комбинацияларининг бир хил эмаслигини кўрсатади, бу ушбу белгининг ўзгарувчанлиги ташқи муҳит таъсиридан кўпроқ генотип таъсирига боғлиқлигини билдиради.

Чатиштиришларда оталик шакли сифатида олинган хорижий давлат навларининг барчасида тола чиқими 40% дан юқори бўлган. Биринчи авлодда тола чиқими бўйича 5 та дурагай комбинацияда ижобий гетерозис, 2 тасида салбий гетерозис, қолган комбинацияларда оралик ҳолатда ирсийланиши кузатилган. Мазкур авлодда тола чиқими белгисининг юқори кўрсаткичлари S-6082, S-6593 ва S-6596 навлари оталик шакли сифатида қўлланилган дурагай комбинацияларда кузатилган. Тола чиқими белгиси F_2 дурагай комбинацияларида 34,3% дан 43,8% гача, F_3 да 36,5% дан 45,0% гача ораликда шаклланди. F_3 да ушбу белги бўйича энг юқори кўрсаткич 45,0% тенг бўлиб, бу натижа F_3 Л-578 x S-6593 дурагай комбинациясига тегишлиги аниқланган. F_3 дурагай комбинацияларида тола чиқими 3 та комбинацияда 39% дан юқори, 9 тасида 40% дан юқори бўлган. Мазкур белгининг ирсийланиш қобилияти коэффициентлари F_2 да $h^2=0,34$ ва $h^2=0,68$ оралиғида, F_3 да $h^2=0,24$ ва $h^2=0,54$ оралиғида яъни, барча дурагай комбинацияларда 0,30 юқори бўлиши кузатилган. Бу тола чиқимининг умумий ўзгарувчанлигида генотип таъсирининг улуши ташқи муҳит омили улушидан кўпроқлигини билдиради.

1000 дона чигит вазни белгиси бўйича ота-она шаклларида энг юқори кўрсаткич Л-578 тизмасида (130 г), энг паст кўрсаткич эса Л-Ю тизмаси ва S-2515, S-6082 навларида (110 г) кузатилган. F_1 Л-Т x S-2515, F_1 Л-Т x S-6082, F_1 Л-578 x S-489 ва F_1 Л-Ю x S-489 дурагай комбинацияларида мазкур белгининг тўлиқ доминантлик, F_1 Л-Т x S-6593 дурагай комбинациясида ижобий гетерозис ва 4 та комбинацияда салбий гетерозис ҳолатлари аниқланган.

F_2 да мазкур белги бўйича F_2 Л-578 x S-6593, F_2 Л-578 x S-6003, F_2 Л-Т x S-6003 дурагай комбинацияларида кўрсаткичлар нисбатан юқори бўлиб, мос равишда 126,6; 121,4; 127,5 г. га тенг бўлган. F_3 да 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич 140 граммга тенг бўлиб, F_3 Л-Т x S-6593 дурагай комбинациясида кузатилган. Ушбу дурагай комбинациясининг биринчи авлодида ижобий гетерозис ҳолати аниқланиб ($h_p=5$), белгининг кўрсаткичи юқори (150 г) бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. 1000 дона чигит вазни белгисининг ирсийланиш қобилияти F_2 дурагай комбинацияларида $h^2=0,07$ - 0,47 оралиғида, F_3 да $h^2=0,11$ - 0,36 оралиғида бўлган. Мазкур белги бўйича ирсийланиш қобилияти бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва тезпишарлик белгиларига нисбатан юқори бўлиб, бу белгининг фенотипик ўзгарувчанлиги генотип таъсири кучлилигини билдиради. Учтинчи авлодда юқори ирсийланиш қобилияти F_3 Л-Ю x S-6596 дурагай комбинациясида кузатилиб, $h^2=0,37$ га тенг бўлган. Бу мазкур белгининг ўзгарувчанлиги ушбу дурагай комбинацияда 37% гача генотип томонидан бошқарилишидан далолат беради.

Толанинг узунлиги белгиси тадқиқотларда оналик сифатида қўлланилган шаклларда 1,18-1,19 дюйм оралиғида, оталик шаклларида 1,13-1,17 дюйм оралиғида бўлиб, F_1 дурагай комбинацияларининг 18 тадан 9 тасида мазкур

белгининг ижобий гетерозис, 4 тасида тўлиқ доминантлик, 4 тасида салбий гетерозис ва 1 тасида оралик ҳолатда ирсийланиши аниқланган (1-жадвал). F₂ да толанинг узунлиги белгиси бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар 1,26 - 1,28 дюймга тенг бўлиб, F₂Л-578 х S-489 ва F₂Л-578 х S-6082 дурагай комбинацияларида аниқланган. Учинчи авлодда 13 та комбинацияда толанинг узунлиги 1,18-1,29 дюйм оралиғида кузатилган. F₃Л-578 х S-6593 комбинацияларда 1,11 дюйм; F₃Л-Т х S-6082 1,12 дюйм ва F₃Л-Т х S-6596 1,15 бўлган бўлса, F₃Л-Т х S-6593 ва F₃Л-578 х S-6082 дурагай комбинацияларида ушбу кўрсаткич мос равишда 1,29; 1,27 дюймга тенг бўлган. Толанинг узунлиги белгиси бўйича аксарият дурагай комбинацияларда оналик шакли устунлиги намоён бўлган. Тола узунлиги белгисининг ирсийланиш қобилияти коэффициенти F₂Л-Ю х S-489 дурагай комбинациясида юқори бўлиб, h²=0,56 га тенг бўлган. Қолган F₂ дурагай комбинацияларида ирсийланиш қобилияти коэффициентлари 0,37 - 0,53 оралиғида, F₃ да 0,24 - 0,43 оралиғида бўлган. Бу дурагай популяциясининг юқори гетерогенлигини ва белгининг ўзгарувчанлиги генотипига асосланган улуши катталигини билдиради.

1-жадвал

Ғўзанинг F₂ ва F₃ дурагай комбинацияларининг тола сифати кўрсаткичлари

Т/р	Ота-она шакллари ва дурагай комбинациялари	F ₂				F ₃			
		LEN	MIC	STR	SCI	LEN	MIC	STR	SCI
1	St. Наманган-77	1,15	4,4	31,2	167,6	1,11	4,6	31,5	169,8
2	St.C-6524	1,17	4,3	33,9	160,9	1,15	4,3	34,7	161,3
3	Л-578	1,27	4,3	35,9	164,3	1,26	4,4	34,3	161,9
4	Л-Т	1,26	3,9	32,8	159,4	1,23	4,2	33,7	162,0
5	Л-Ю	1,23	3,9	32,7	164,7	1,23	4,1	32,9	152,9
6	S-2515	1,25	4,1	32,3	154,7	1,15	4,3	32,4	161,5
7	S-6082	1,28	4,5	38,6	169,3	1,21	4,7	33,5	152,4
8	S-489	1,21	4,5	32,6	160,8	1,27	4,6	35,0	136,8
9	S-6003	1,21	4,4	35,2	167,6	1,22	4,6	33,7	168,7
10	S-6593	1,22	4,6	34,4	169,5	1,14	4,6	28,2	163,8
11	S-6596	1,21	4,6	33,6	182,2	1,20	4,3	32,8	172,6
12	Л-578х S-6003	1,20	4,6	38,4	176,9	1,21	4,5	35,1	157,3
13	Л-Т х S-6003	1,20	4,1	39,7	162,8	1,23	4,1	34,4	179,4
14	Л-Ю х S-6003	1,23	3,8	37,2	173,1	1,20	3,8	37,1	161,8
15	Л-578х S-2515	1,20	4,2	36,0	166,6	1,24	4,2	33,2	165,3
16	Л-Т х S-2515	1,20	4,1	39,8	171,3	1,20	4,4	34,9	177,2
17	Л-Ю х S-2515	1,23	4,7	33,6	171,5	1,22	4,7	33,2	159,3
18	Л-578 х S-6082	1,28	4,5	40,2	166,4	1,27	4,5	38,0	154,3
19	Л-Т х S-6082	1,13	5,1	37,5	169,6	1,12	5,0	37,4	158,9
20	Л-Ю х S-6082	1,18	4,2	36,7	158,5	1,21	4,6	35,1	149,8
21	Л-578 х S-489	1,26	4,0	33,7	150,8	1,27	4,1	34,3	169,4
22	Л-Т х S-489	1,18	4,1	33,0	169,7	1,18	4,6	31,6	156,3
23	Л-Ю х S-489	1,22	3,9	31,8	167,4	1,17	3,9	30,6	163,7
24	Л-578 х S-6593	1,23	4,0	31,2	158,4	1,11	4,5	32,1	157,2
25	Л-Т х S-6593	1,20	3,9	34,0	159,9	1,29	3,7	34,2	142,1
26	Л-Ю х S-6593	1,17	4,0	33,5	168,8	1,22	4,3	33,6	146,5
27	Л-578 х S-6596	1,22	4,4	34,2	171,7	1,20	4,7	32,6	154,7
28	Л-Т х S-6596	1,21	4,1	35,3	145,8	1,15	4,7	33,4	127,1
29	Л-Ю х S-6596	1,24	3,9	35,4	175,3	1,17	4,3	33,0	157,9

Тола микронеири белгиси кўрсаткичлари оталик шаклларида S-6003 ва S-

2515 навларида мос равишда 5,4; 5,0 га тенг бўлиб, ушбу навлар толасининг дағаллигини кўрсатган. Қолган ота-она шаклларида мақбул кўрсаткичлар аниқланган. F₁ да мазкур белгининг 18 та дурагай комбинациядан 11 тасида салбий гетерозис, 2 тасида оралиқ ҳолат, 5 тасида ижобий гетерозис ҳолатда ирсийланиши кузатилган. F₂ дурагай комбинацияларининг микронейр кўрсаткичлари 3,8-4,7 оралиғида бўлиб, мезоннинг мақбул кўрсаткичларига тўғри келган. Ўрганилган дурагай ўсимликларидан фақат F₂Л-Т х S-6082 комбинациясининг микронейр кўрсаткичи 5,1 га тенг бўлган. F₃ да энг ижобий натижа F₃Л-Т х S-6593 дурагай комбинациясида кузатилиб, кўрсаткич 3,7 га, энг юқори яъни, салбий микронейр кўрсаткичи F₃Л-Т х S-6082 дурагай комбинациясида кузатилиб, кўрсаткич 5,0 га тенг бўлган.

Толанинг солиштирма узилиш кучи кўрсаткичлари ота-она шаклларида 30,5-35,6 гк/текс оралиғида бўлган. Мазкур белги F₁ дурагай комбинацияларидан 12 тасида ижобий гетерозис, 2 тасида оралиқ, 4 тасида салбий гетерозис ҳолатларида ирсийланганлиги аниқланган. Толанинг солиштирма узилиш кучи F₂ да 31,2-40,2 гк/текс ва F₃ да 31,6-38,0 гк/текс оралиғида бўлган. Ушбу белги бўйича юқори кўрсаткичлар F₃Л-578 х S-6082 38,0 гк/текс, F₃Л-Ю х S-6003 37,1 гк/текс, F₃Л-Т х S-6082 37,4 гк/текс дурагай комбинацияларида кузатилган.

SCI – толанинг йигирувчанлик индекси тола сифатини комплекс кўрсаткичлар бўйича баҳолаш имконини беради, яъни ушбу кўрсаткич қанча юқори бўлса, тола сифати шунча юқори ҳисобланади. Микронейрнинг паст бўлиши ва тола узунлиги, солиштирма узилиш кучининг юқори бўлиши билан SCI кўрсаткичи ҳам шунча юқори бўлиши кузатилган. Ўрганилган F₂Л-578 х S-6003, F₂Л-Ю х S-6003, F₃Л-Т х S-2515, F₃Л-Т х S-6003 дурагай комбинацияларида ушбу кўрсаткич 170 ва ундан юқори бўлган.

“F₂-F₃ дурагай ўсимликларида асосий қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги” деб номланган 3-бобнинг иккинчи қисмида дурагай комбинацияларида асосий қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлигининг таҳлиллари келтирилган. Ўсув даври давомийлиги F₂ дурагай комбинацияларида 104 - 123 кун оралиғида, белгининг ўзгарувчанлик коэффициенти 1,2 - 2,9% оралиқда бўлган. F₂ да ушбу белги бўйича кенг ўзгарувчанлик F₂Л-Т х S-6596, F₂Л-Ю х S-489, F₂Л-Т х S-6003 дурагай комбинацияларида кузатилиб, ўсимликлар вариацион қаторнинг 10 та синфида жойлашган. F₃ да ушбу кўрсаткичлар 104 - 122 кун оралиғида бўлган. Мазкур авлодда дурагай ўсимликлар вариацион қаторнинг 11 та синфида жойлашиб, белги бўйича кенг ўзгарувчанлик қўйидаги дурагай комбинацияларда кузатилган: F₃Л-578 х S-6082 10 та синф, F₃Л-Ю х S-6596 10 та синф; F₃Л-Ю х S-6003 9 та синф, F₃Л-578 х S-489 - 9 та синф, F₃Л-Ю х S-6082 8 та синф.

Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сонининг ўзгарувчанлиги F₂ дурагай ўсимликларида 5-35 дона оралиғида, белгининг ўзгарувчанлик коэффициенти 21,4% дан 35,6% гача оралиқда бўлган. F₂Л-578 х S-6003 ва F₂Л-Ю х S-6082 дурагай ўсимликлари вариацион қаторнинг 5 та синфида, F₂Л-Т х S-2515, F₂Л-Ю х S-6082, F₂Л-578 х S-6593 дурагай ўсимликлари 4 та синфида жойлашган. F₂Л-578 х S-6003 дурагай комбинациясида бешинчи (31-35 дона) - синфида

жойлашган ўсимликлар сони 7,9% ни ташкил этган. F_3 дурагай комбинацияларининг аксарияти F_2 ўсимликларининг ўртача кўрсаткичларидан фақланмаган ҳолда вариацион қаторнинг иккинчи (6-10 дона), учинчи (11-15 дона), тўртинчи (16-20 дона) ва бешинчи (26-30 дона) синфларида жойлашган. F_3 Л-578 х S-6003 дурагай комбинациясида бешинчи (31-35 дона) синфида жойлашган ўсимликлар сони 4,5% ни ташкил этган.

Бир дона кўсакдаги пахта вазнининг вариация коэффициентлари F_2 да 4,7% дан 15,2% гача, F_3 да 1,6% дан 18,0% гача ораликда бўлиб, ушбу популяциянинг гетерогенлигидан далолат беради. Дурагай ўсимликларнинг аксарияти белги бўйича вариацион қаторнинг иккинчи (5,1-5,5 г), учинчи (5,6-6 г), тўртинчи (6,1-6,5 г) ва бешинчи (6,6-7 г) - синфларида жойлашган. Мазкур белги бўйича кенг ўзгарувчанлик амплитудаси ва трансгрессив шакллар Л-578 х S-6003 дурагай комбинациясида намоён бўлиб, F_2 да саккизинчи (7,1-7,5 г) - синфда жойлашган ўсимликлар сони 23,8% ни, F_3 да еттинчи (7,6-8,0 г) - синфда жойлашган ўсимликлар сони 6,8% ни ташкил этган.

Тола чиқими белгиси бўйича F_2 ўсимликлари вариацион қаторнинг асосан иккинчи (34,0-35,9%), учинчи (36,0-37,9%), тўртинчи (36,0-37,9%), бешинчи (40,0-41,9%) – синфларида жойлашиб, белгининг ўзгарувчанлик даражаси 3,1% дан 9,4% гача ораликда бўлган. Белги бўйича кенг ўзгарувчанлик F_2 Л-Ю х S-2515, F_2 Л-578 х S-489 ва F_2 Л-Ю х S-6596 дурагай комбинацияларида кузатилиб, ўсимликларнинг тола чиқими кўрсаткичлари вариацион қаторнинг 5 та синфида жойлашган. F_3 ўсимликларининг тола чиқими 36,5% дан 45,0 % гача бўлган бўлиб, вариацион қаторнинг тўртта синфида жойлашган. Белгининг вариация коэффициенти 2,7-11,7% оралиғида бўлган. Ушбу белги бўйича кенг ўзгарувчанлик амплитудаси Л-Ю х S-6082 дурагай комбинациясида кузатилиб, F_2 да ўсимликлар вариацион қаторнинг 5 та синфида жойлашган бўлса, F_3 да 6 та синфида жойлашган.

1000 дона чигит вазни F_2 да 96-145 г оралиғида, белгининг ўзгарувчанлик коэффициентлари 4,3% дан 15,6% гача ораликда бўлган. Аксарият ўсимликлар вариацион қаторнинг биринчи (96-100 г), учинчи (106-110 г), бешинчи (116-120 г), олтинчи (121-125 г) ва тўққизинчи (136-140 г) - синфларида жойлашган. Белги бўйича кенг ўзгарувчанлик F_2 Л-578 х S-6596 дурагай комбинациясида кузатилиб, ўсимликлар вариацион қаторнинг 7 та синфида жойлашган. Ушбу белги бўйича F_3 дурагай ўсимликларининг вариация коэффициентлари 4,2% дан 23,0% гача ораликда бўлган. F_3 Л-578 х S-6082 комбинациясида ўн иккинчи (151-155 г) – синфда жойлашган ўсимликлар сони 1,7% ни ташкил этган.


Толанинг узунлиги бўйича дурагай ўсимликлар вариацион қаторнинг 12 та синфида жойлашиб, ўзгарувчанлик амплитудаси 1,08 - 1,31 дюйм оралиғида бўлган. F_2 дурагай комбинацияларида вариация коэффициенти 0,7 - 8,26% оралиғида бўлган. Ушбу белги бўйича кенг ўзгарувчанлик F_2 Л-Ю х S-6082 дурагай комбинациясида кузатилиб, ўсимликларнинг тола узунлиги кўрсаткичлари вариацион қаторнинг 10 та синфида жойлашган. F_3 дурагай комбинацияларида белгининг ўзгарувчанлик коэффициенти 0,82 дан 3,2% гача бўлган. Учунчи авлодда белги бўйича кенг ўзгарувчанлик F_3 Л-Т х S-6003

дурагай комбинациясида кузатилиб, ўсимликлар вариацион қаторнинг 7 та синфида жойлашган.

“F₁-F₃ узок географик дурагайларида вертициллёз вилтга чидамлилиқнинг намоён бўлиши” деб номланган 3-бобнинг учинчи қисмида дурагай ўсимликларининг вертициллёз вилтга чидамлилиқ даражаси бўйича маълумотлар келтирилган. Оталиқ шаклларида S-2515 нави нисбатан бардошли бўлиб, зарарланиш умумий даражада 14,7%, кучли даражада 1,1% га тенг бўлган. Оналик шаклларида Л-578 тизмаси нисбатан бардошли бўлиб, умумий даражада 17,7%, кучли даражада 2,2% зарарланиш қайд этилган. Биринчи авлодда F₁Л-578 x S-6082 ва F₁Л-Т x S-6593 дурагай комбинацияларида вертициллёз вилтга чидамлилиқнинг доминантлик, F₁Л-Т x S-6596, F₁Л-578 x S-489, F₁Л-Ю x S-6082 ва F₁Л-Т x S-6082 дурагай комбинацияларида ижобий гетерозис, қолган 12 та дурагай комбинацияда салбий гетерозис ҳолатлари аниқланган. F₂ да вертициллёз вилт билан юқори даражада касалланиш ҳолатлари F₂Л-Т x S-2515 ва F₂Л-578 x S-6082 дурагай комбинацияларида кузатилиб, зарарланиш мос равишда умумий даражада 80,2 ва 57,6%, кучли даражада 74,0 ва 47,8% ни ташкил этган. F₂Л-Ю x S-6596 дурагай комбинацияси вертициллёз вилтга нисбатан бардошли бўлиб, умумий даражада 8,1% га, кучли даражада 2,7% га зарарланган. Учунчи авлодда F₃Л-578 x S-6082, F₃Л-578 x S-489 ва F₃Л-Ю x S-6596 дурагай комбинациялари юқори даражада бардошлиликни кўрсатган, яъни ўсимликлар вертициллёз вилт билан умуман зарарланмаган. Тадқиқотлар натижасида вертициллёз вилтга бардошли бўлган қўйидаги 2 та дурагай комбинация ажратиб олинган: F₃Л-578 x S-489 ва F₃Л-Ю x S-6596.

“Ўза дурагайларида асосий қимматли-хўжалиқ белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар” деб номланган 3-бобнинг тўртинчи қисмида F₂ ва F₃ дурагай комбинацияларида асосий қимматли-хўжалиқ белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқликларнинг таҳлиллари келтирилган. Ўрганилган дурагай комбинацияларда бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва бир дона кўсақдаги пахта вазни белгилари ўртасида ота-она шаклларида қатъий назар салбий боғлиқликлар кўпроқ кузатилган. Кучсиз ижобий боғлиқликлар бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва тола чиқими белгилари ўртасида Л-578 x S-6003, Л-578 x S-6596, Л-Т x S-2515, Л-Т x S-6596 дурагай комбинацияларида (r=0,11; r=0,23), бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва 1000 дона чигит вазни белгилари ўртасида Л-578 x S-489 дурагай комбинациясида F₂ да кучсиз (r=0,3); F₃ да кучли (r=0,8), бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва тола узунлиги белгилари ўртасидаги Л-578 x S-489 комбинациясида F₂ да кучсиз (r=0,3); F₃ да кучли (r=0,9), бир дона кўсақдаги пахта вазни ва тола чиқими белгилари ўртасида Л-Ю оналик шакли сифатида олинган барча комбинацияларда ўртача ва кучли (r=0,5; r=0,7), бир дона кўсақдаги пахта вазни ва тола узунлиги белгилари ўртасида Л-578x S-489, Л-Ю x S-6003, Л-Ю x S-6593, Л-Ю x S-6596 дурагай комбинацияларида кучсиз (r=0,11; r=0,23), тола чиқими ва 1000 дона чигит вазни белгилари ўртасида Л-578 x S-6082 дурагай комбинациясида F₂ да кучли (r=0,7); F₃ да ўртача (r=0,5) ва Л-Ю x S-6596 дурагай комбинациясида

кучсиз F_2 да $r=0,07$; F_3 да $r=0,3$; тола чиқими ва тола узунлиги белгилари ўртасида Л-578 x S-6082, Л-Ю x S-2515 комбинацияларида кучсиз ва ўртача ($r=0,3$; $r=0,6$) корреляцион боғлиқликлар аниқланган. Тадқиқотларда ўрганилган аксарият дурагай комбинацияларда бир дона кўсак вазни билан 1000 дона чигит вазни, тола чиқими билан тола узунлиги, тола чиқими ва 1000 дона чигит вазни белгилари ўртасида салбий боғлиқлик кузатилган. Лекин, айрим комбинацияларда мазкур белгилар ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланган. Жумладан, Л-578 x S-6082 ва Л-Ю x S-6596 дурагай комбинацияларида тола чиқими ва 1000 дона чигит вазни белгилари ўртасида ижобий боғлиқликлар $r=0,5$; $r=0,3$ аниқланган. Л-Ю x S-6596, Л-578 x S-489 дурагай комбинацияларида тола узунлиги ва тола чиқими белгилари ўртасида ижобий боғлиқликлар $r=0,3$; $r=0,6$ аниқланиб, мазкур дурагай комбинациялардан тола чиқими ва сифати юқори бўлган ғўза навларини яратишда бошланғич ашё сифатида қўлланилиш мумкинлиги келтирилган (1-расм).



Изох: 1) Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва бир дона кўсақдаги пахта вазни; 2) бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони-тола чиқими; 3) бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони-1000 дона чигит вазни; 4) бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони-тола узунлиги; 5) бир дона кўсақдаги пахта вазни-тола чиқими; 6) бир дона кўсақдаги пахта вазни-1000 дона чигит вазни; 7) бир дона кўсақдаги пахта вазни-тола узунлиги; 8) тола чиқими-1000 дона чигит вазни; 9) тола чиқими-тола узунлиги; 10) тола узунлиги-1000 дона чигит вазни.

1-расм. Айрим F_2 дурагай комбинацияларида асосий қимматли-хўжалик белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқликлар


